

**“Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
Баённомасидан кўчирма**

**12.03.2018 йил**

**Тошкент шаҳри**

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй, “Gidromaxsusqurilish” АЖ маъмурий биносида ўтказилди, йиғилиш соат 15:00 да бошланди.

Йиғилиш Қонунчилик талаблари, жамиятнинг Устави ва кузатув кенгашининг 2018 йил 1 мартдаги мажлиси қарорига асосан чақирилди.

Йиғилиш раиси этиб, кузатув кенгаши раиси И.Сунатов ва котиби этиб К.Курбоналиева сайланди.

Йиғилиш санок комиссиясининг маълумотига кўра жамият акциядорларининг 05.03.2018 йил ҳолатига шакллантирилган реестрига асосан “Gidromaxsusqurilish” АЖ томонидан номинал қиймати 1 384 сўм бўлган жами 1 354 800 дона акциялар чиқарилган, шундан 1 320 800 дона акциялар овоз бериш ҳуқуқига эга оддий ва 34 000 дона имтиёзли акциялардан иборатдир.

Йиғилишда иштирак этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 180 та ва уларга тегишли бўлган оддий акцияларнинг сони 1 320 800 донани ташкил этди.

Йиғилишда 1 287 840 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядорлар, шу жумладан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ номидан 12.03.2018 йилдаги №01-22/480-сонли ишончномага асосан жамиятнинг вакили И.Сунатов (1 287 060 дона оддий акция) қатнашди.

Йиғилиш кворуми **97,5 фоизни** ташкил этди. Шу муносабат билан йиғилиш қарор қабул қилиш учун ваколатли.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартиби:**

1. *Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*
2. *Акциядорлар умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.02.2018 йилдаги ПҚ-3540-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг моддий техник базасини янгилаш ва мустаҳкамлаш мақсадида банк кредити ҳамда лизинг асосида замонавий ихтисослаштирилган ва технологик асбоб-ускуналар, машиналар ва механизмлар сотиб олиш.*

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар бўйича қарорлар овоз бериш бюллетенлари асосида аниқланди.

**Қабул қилинган қарорлар юзасидан овоз бериш натижалари:**

**1-масала бўйича:**

Жамият акциядорларининг йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисобот ва бошқа маълумотларни тинглаш—10 минутгача;
- Чикишлар юзасидан савол ва таклифлар—3 минутгача;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси—5 минутгача.

**Овоз бериш натижалари:** тарафдор - 1 287 840 та овоз (100%), қарши - йўқ, бетараф - йўқ.

**2-масала бўйича:**

Йиғилиш санок комиссияси таркиби куйидагича тасдиқлансин:

1. Ё.Н.Шаропов;
2. Т.В.Толстенева;
3. О.Уринов.

**Овоз бериш натижалари:** тарафдор-1 287 840 та овоз (100%), қарши- йўқ, бетараф-йўқ.

**3-масала бўйича:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.02.2018 йилдаги ПҚ-3540-сонли “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкилотларини моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Гидроэнергетикани янада ривожлантириш ва янги юкори кучланишдаги электр линияларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг моддий-техника базасини янгилаш ва мустаҳкамлаш, жумладан банк кредити асосида замонавий ихтисослаштирилган ва технологик ускуналар, асбоблар, машиналар ва механизмлар, уларга бутловчи қисмлар ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш учун “Туронбанк”АТБ томонидан жамиятга 4 млн. АҚШ долларигача миқдоридан кредит линияси очилишига розилик берилсин.

3. “Gidromaxsusqurilish” АЖ бош директори К.Фатиллаевга жамиятга “Туронбанк”АТБнинг кредит линияси асосида олинган кредит бўйича барча хужжатларни, шу жумладан кредит шартномасини тузишга рухсат берилсин.

4. “Gidromaxsusqurilish” АЖ бош директори К.Фатиллаевнинг лизинг ҳисобига ХЕ260СLЛ кулоч узунлиги 15 м бўлган занжирли экскаватор, MAN CLA 18.2804\*2 ВВ русумли 16т автокран, ТУ 160 русумли бульдозери ҳамда 4 дона вагон уйлар сотиб олиш тўғрисидаги таклифи ҳамда жамият ва лизинг ташкилоти ўртасида 2 927 млн.сўмга тузилган 7 та шартномалар маъқуллансин.

5. Жалб қилинган кредитларни ҳамда лизинг асосида олинган ихтисослаштирилган техника ва ускуналарни мақсадли ишлатилиши ва маблағларни ўз вақтида қайтариш “Gidromaxsusqurilish” АЖ ижроия органи раҳбарига юклатилсин.

**Овоз бериш натижалари:** тарафдор - 1 287 840 та овоз (100%), қарши- йўқ, бетараф-йўқ.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилди, акциядорлардан қўшимча ва таклифлар келиб тушмаганлиги сабабли, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**1-масала бўйича:**

Жамият акциядорларининг йиғилишини ўтказиш регламенти куйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисобот ва бошқа маълумотларни тинглаш—10 минутгача;

- Чиқишлар юзасидан савол ва таклифлар—3 минутгача;

- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси—5 минутгача.

**2-масала бўйича:**

Йиғилиш санок комиссияси таркиби куйидагича тасдиқлансин:

1. Шаропов Ё.Н.
2. Толстенева Т.В.

3. Уринов О.

**3-масала бўйича:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.02.2018 йилдаги ПҚ-3540-сонли “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкилотларини моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Гидроэнергетикани янада ривожлантириш ва янги юқори кучланишдаги электр линияларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг моддий-техника базасини янгилаш ва мустаҳкамлаш, жумладан банк кредити асосида замонавий ихтисослаштирилган ва технологик ускуналар, асбоблар, машиналар ва механизмлар, уларга бутловчи қисмлар ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш учун “Туронбанк”АТБ томонидан жамиятга 4 млн. АҚШ долларигача миқдорида кредит линияси очилишига розилик берилсин.

3. “Gidromaxsusqurilish” АЖ бош директори К.Фатиллаевга жамиятга “Туронбанк”АТБнинг кредит линияси асосида олинadиган кредит бўйича барча хужжатларни, шу жумладан кредит шартномасини тузишга рухсат берилсин.

4. “Gidromaxsusqurilish” АЖ бош директори К.Фатиллаевнинг лизинг ҳисобига ХЕ260СLЛ қулоч узунлиги 15 м бўлган занжирли экскаватор, MAN CLA 18.2804\*2 ВВ русумли 16т автокран, ТУ 160 русумли бульдозери ҳамда 4 дон вагон уйлар сотиб олиш тўғрисидаги таклифи ҳамда жамият ва лизинг ташкилоти ўртасида 2 927 млн.сўмга тузилган 7 та шартномалар маъқуллансин.

5. Жалб қилинган кредитларни ҳамда лизинг асосида олинган ихтисослаштирилган техника ва ускуналарни мақсадли ишлатилиши ва маблағларни ўз вақтида қайтариш “Gidromaxsusqurilish” АЖ ижроия органи раҳбарига юклатилсин.

Баённома 2018 йил 17 март куни икки нусхада тузилди.

Йиғилиш котиби

К.Р.Курбоналиева